

Nurullo TURSUNOV,
Termez State University
Doctor of science, Doctor of philosophy,
dotsent. nurullo.tursunov@inbox.ru
F.Khujayev street 43.
Termez city, Uzbekistan.
Phone: 99-897-244-76-03

ШАРҚИЙ БУХОРО БЕКЛИКЛАРИ АҲОЛИСИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ТУРЛАРИ ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

ВИДЫ РЕМЕСЛЕННОСТВА ЖИТЕЛЕЙ БЕКСТВА ВОСТОЧНОЙ БУХАРЫ И ПРОЦЕССЫ ТРАНСФОРМАЦИИ

TYPES OF HANDICRAFTS OF EASTREN BUKHARA BEKS AND PROCESSES OF TRANSFORMATION

Калит сўзлар: *упак, пахта, маҳсулот, шаҳар, қишлоқ, газлама, ҳунарманд, кашта, гилам, ёғочсозлик, темирчилик, этикдўзлик, устахона, қайиқ, кулол.*

Ключевые слова: *шёлк, хлопок, продукция, город, село, ткань, ремесленник, узор, ковёр, резьба по дереву, кузнечество, сапожник, мастерская, лодка, гончар.*

Key words: *silk, cotton, product, city, village, material, handicraftsman, pattern, carpet, woodcarving, blacksmithing, shoemaker, workshop, boat, potter.*

Ўзбекистон жанубида қадимдан ҳунармандчилик ҳўжалик ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб келган. Шарқий Бухоро бекликларида ҳунармандчилик тараққиёти бошқа минтақалардан бироз бўлса-да, фарқ қилган. Бунга табиий-жуғрофий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бу ердаги ҳунармандчилик ҳақида сўз юритадиган бўлсак, уларнинг уч тоифага бўлинганлигини кузатамиз: биринчиси, ишлаб чиқарган маҳсулот ва буюмларини сотишга мўлжалланган бўлса, иккинчиси маҳсулотлар ва буюмларни буюртма асосида тайёрлаш, учинчи тоифа эса уй-рўзгор ҳунармандчилигига асосланган. Ҳунармандчилик турлари кўпроқ тоғ олди ва Сурхондарё, Қашқадарё, Шеробод дарёларининг юқори ва ўрта оқимларида яхши ривожланган бўлиб, бу ерда кўпроқ сотиш ва буюртма учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Ўзбекистон жанубининг дашт олди ва

дашт ҳудудларида уй-рўзгор ҳунармандчилигига хос ишлаб чиқариш шакллари кўпроқ тараққий этган.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига келиб Ҳисор, Шеробод, Денов, Термиз, Бойсун, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб ва бошқа шаҳарлар амирликнинг ҳунармандчилик марказларига айланди. Бу шаҳарларда ҳунармандчилик турларининг барча соҳалари яхши ривожланган эди. Ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳар бир шаҳар ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан ҳам ажралиб турган. Масалан, Бухоро, Қарши пахта ва бошқа маҳсулотлардан тўқилган газламалари, Денов шаҳри эса ипакдан тўқилган газламалари билан машҳур бўлган [1;62 б.].

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Денов, Термиз, Бойсун, Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари Ўзбекистон жанубининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган ўзига хос саноат ва савдо марказлари ҳисобланган. Бу шаҳарлар иқтисодиётда муҳим ўрин тутган. Ҳунармандчилик Ўзбекистон жануби иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланиб, унинг тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик, дурадгорлик, кўнчилик каби турлари мавжуд эди.

Шунингдек, шаҳарларга яқин жойлашган қишлоқларда қишлоқ ҳўжалиги хомашёларини қайта ишлаш билан боғлиқ уй ҳунармандчилиги ҳам яхши ривожланган эди.

Ҳунармандлар гузарлари шаҳарларнинг маълум қисмларида, баъзи ҳолларда эса у ёки бу ҳунармандчилик тури учун зарур табиий шароитлар мавжуд бўлган ҳудудларда жойлашган. Масалан, тўқувчилар, газламага гул босувчилар, тегирмончи, обжувозчилар, катта миқдорда сув билан ишловчи касб эгалари шаҳарнинг серсув сой оқиб ўтувчи, булоқ мавжуд бўлган қисмида жойлашган. Бир турдаги касб эгалари ёнма-ён гузарларда жойлашган.

Шаҳарларнинг қишлоқлардан асосий фарқи унинг аҳолиси қишлоқ ҳўжалиги билан эмас, ҳунар ва савдо билан шуғулланганидир. Тарихий маълумотларга кўра ўрта асрларда шаҳар мақомини олиш учун у жойнинг аҳолиси 32 хил ҳунар тури билан шуғулланиши лозим бўлган [2;97 б.].

Ҳудудда ҳунармандчиликнинг асосий тармоғи тўқимачилик эди. Ўрганилаётган даврда тўқимачиликнинг турли хил матолар тўқиш, гиламдўзлик, каштачилик ва зардўзлик каби турлари мавжуд бўлган. Ҳунармандчиликнинг бу тармоғи учун зарур

Мақолада Шарқий Бухоро бекликларида ҳунармандчилик турлари бир-биридан фарқланганлиги илмий таҳлил қилинган бўлиб, буларга: Қарши беклигида – гиламдўзлик, кулолчилик, каштачилик, зардўзлик, тўқимачилик, қуро-яроғ яшаш, темирчилик, Шаҳрисабз беклигида – кичик замбараклар, шишалардан турли хил тақинчоқлар яшаш, заргарлик, чармгарлик, Шеробод беклигида – кўпроқ гиламдўзлик, кулолчилик, қайиқсозлик, Бойсун беклигида – темирчилик ва унга ишлов бериш, қишлоқ хўжалигида қўлланилувчи меҳнат қуроаларини яшаш, қандолатчилик, Денов ва Юрчи бекликларида – ёғочсозлик (ўймакорлик ва бошқалар), кийим-кечак, зеб-зийнат тайёрлаш каби ҳунармандчилик турлари киради. Хусусан, Денов, Термиз, Бойсун, Шеробод, Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари Ўзбекистон жанубининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган ўзига хос саноат ва савдо марказлари ҳисобланган. Бу шаҳарлар Бухоро амирлиги иқтисодиётида муҳим ўрин тутган. Ҳунармандчилик Ўзбекистон жануби иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланиб, унинг тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик, дурадгорлик, кўнчилик каби турлари мавжуд эди. Уй ҳунармандчилиги шаҳарларга яқин жойлашган қишлоқларда қишлоқ хўжалиги хомашёларини қайта ишлаш билан боғлиқ ҳолда яхши ривожланганлиги ёритиб берилган.

Ўзбекистон жануби ҳунармандчилиги ўрганилаётган даврда ҳам қадимий анъаналарини ўзида жам этган ҳолда ўзига хос йўлдан ривожланган. Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришда янги давр бошланганлиги, хорижий мамлакатларда тайёр ҳолда завод ва фабрика маҳсулотларининг кириб келиши натижасида баъзи бир ҳунармандчилик турлари, хусусан, тўқимачилик ишлаб чиқариш сифатининг пасайиб кетиши ва маҳаллий ҳунармандлар томонидан ясалган буюмларнинг бозорларда касодга учрай бошлаганлиги масалалари баён этилган.

Мақолада XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Шеробод, Денов, Бойсун, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор каби шаҳарлар ҳунармандчилик марказлари эканлиги батафсил ёритилган. XX асрнинг бошларига келиб Россия ва бошқа чет давлатларда цех ва фабрикаларда ишланган замонавий саноат маҳсулотларининг кириб келиши ҳамда уларнинг маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларига таъсири ўз аксини топган.

В статье исследованы различия видов ремесленничества, которые расположились в бекствах Восточной Бухары, к которым относятся: Каршинское бекство – ковроткачество, гончарное ремесло, вышивка, ювелирное ремесло, вязание, изготовление инструментов и орудий, кузнечное ремесло. Шахрисабзское бекство – небольшие пушки, различные изделия из стекла, ювелирные изделия, кожевенное ремесло. В Шерабадском бекстве – в основном ковроткачество, гончарное ремесло, строительство лодок. В Байсунском бекстве – кузнечное ремесло и обработка железа, изготовление орудий труда, используемые в сельском хозяйстве, кондитерское дело. В Денауском и Юрчинском бекстве – плотничество (гравировка и др.), шитьё одежды, изготовление различных украшений. В частности, города Сурхандарья Денау, Термез, Байсун, Шерабад, Карши, Шахрисабз и Китаб считались своеобразным промышленным и торговым центром и играли важную роль в экономической, политической и культурной жизни Бухарского эмирата.

Также такие виды ремесленничества, как ткачество, гончарное, кузнечное, плотничье, кожевенное ремесло, являются ведущей отраслью экономики Южного Узбекистана. Кроме этого, подробно рассматривается домашнее ремесленничество по обработке сырья, эти виды ремесла расположились вблизи города. При изучении ремесленничества Южного Узбекистана прослеживается развитие древних традиций. Также приводятся примеры о том, что во второй половине XIX века – начале XX века ремесленничество претерпело кризис, и в производстве товаров начался новый период, в частности, при ввозе готовой и качественной продукции зарубежных заводов и фабрик качество товаров местных производителей, в частности ткацкие товары, заметно снизилось, а некоторые виды ремесленничества обанкротились.

В статье автор освещает роль и место ремесленных центров городов Шерабад, Денау, Термез, Байсун, Карши, Китаб, Шахрисабз, Ғузар в жизни населения южных областей Узбекистана в конце XIX- начале XX вв. Также в статье автор приводит ценные сведения о вытеснении промышленной продукцией российских и европейских заводов и фабрик продукции местных ремесленных лавок местных рынков.

This article explores the differences in the types of handicrafts that are located in the Eastern Bukhara principalities, which include: In Karshi principality - carpet weaving, pottery, embroidery, jewelry, knitting, making weapons, blacksmithing; In Shakhrisabz principality - small cannons, various glass products, jewelry, leather craft; in Sherabad principality - mainly carpet weaving, pottery, boat building; in Baysun principality - blacksmithing and ironworking, manufacturing tools which are used in agriculture, confectionery; in Denau and Yurchi principality - carpentry (engraving, etc.), sewing clothes, making various decorations.

In particular, the cities of Surkhandarya, Denau, Termez, Baysun, Sherabad, Karshi, Shahrissabz and Kitab were considered a kind of industrial and commercial center and played an important role in the economic, political and cultural life of the Southern Uzbekistan.

Also, such types of handicraft as weaving, pottery, blacksmithing, carpentry, leather craft are the leading sector of the economy of Southern Uzbekistan. These cities played an important role in the economy of Bukhara Emirates. In addition, home-made craftsmanship for processing raw materials is well lit, these types of crafts are located near the city. In the study of handicraft of southern Uzbekistan, the development of ancient traditions can be traced.

There are also examples that in the second half of the XIX century - the beginning of the XX century handicraft underwent a crisis, and the production of goods began a new period, in particular, when importing ready-made and high-quality products from foreign factories and plants, the quality of goods from local manufacturers, weaving significantly decreased and some types of handicraft failed.

In the article the author irradiates the roles and revenge of the craft centres of the cities of Sherabad, Denau, Termez, Baysun, Karshi, Kitab, Shahrissabz, Guzar in the life of the population in the southern regions of Uzbekistan by the late XIX and early XX centuries. Also in the article the author gives valuable information about the industrial products of Russian and European facilities and factories displace the products of local handicraft counter of local markets.

бўлган хомашё жун, пахта, ипакни қишлоқ деҳқонлари ва чорвадорлари етказиб берган. Улар ичида жундан ип йигириш энг қадимгиси бўлган. Жундан ип тайёрлаш анъанавий чорвачилик маркаслари, дашт ва тоғолди ҳудудларида, пахтадан ип тайёрлаш эса суғориладиган ерларда тараққий этган. Ип тайёрлаш кўпроқ қишлоқларда тарқалган бўлса-да, Денов, Бойсун, Шеробод, Қарши ва Шаҳрисабзда ҳам ип тайёрлаш билан шуғулланувчи оилалар бўлган.

Ушбу даврда шаҳар ҳунармандлари турли газламалар, хусусан, ипакдан олтин ва кумуш безакли йўл-йўл парчалар, адрас, беқасам, шойи, дуруя атласлар, пахтадан эса дока, олача, бўз бахмал, қалами, карбос, сўси, чит ва бошқа матолар тўқиганлар. Ўзбекистон жануби шаҳарларида тайёрланадиган матолар ичида бўзнинг салмоғи катта эди. Бу оддий мустаҳкам ва иссиқ мато пахта ипидан тайёрланган. Айниқса Денов, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида бўз сифатли ва кўп тайёрланган. Бўзни турли туман ранглarga (8 турдаги) бўйаш мумкин бўлиб, ўша даврда ранг-баранг бўзлар савдоси билан шаҳар-ма-шаҳар юриб савдо қилувчи алоҳида савдогарлар ҳам мавжуд бўлган. Бўзнинг сарғиш, табиий оқ, малла рангли турлари бўлиб, оқ бўздан кекса ёшли эркакларга кўйлак, иштон, қизил рангли бўздан аёллар кийими тикилган. Бир бўлак бўзнинг умумий узунлиги 18 аршин, эни 3.5 версокдан 8-9 версокча булган. Энсиз бўзнинг 18 аршини 80 тийин, эни кенгроқ бўзнинг 18 аршини 1 сўм сотилган. Бўзнинг маҳаллий пахтадан тўқилгани маллабўз, ҳар хил иплар аралаштирилиб тўқилгани, йўл-йўл нақшлиси қалами, ингичка йўлиси чиги деб аталган. Сифатли бўздан кўйлак, ятак, чопон тайёрланган [3;40 б.].

Маҳмуд ибн Валининг маълумотида кўра, Шаҳрисабзда кўп миқдорда карбаз бўз (бўялмаган оқ мато) тайёрланган [4;176 б.]. Сўнгги даврга оид манбаларда ҳам Шаҳрисабзда бўз тайёрлашга ихтисослашган гузарлар бўлганлиги айтиб ўтилган [5;136 б.]. Бўздан асосан кийим-кечаклар, салла, дастурхон ва бошқа турли хил буюмлар тайёрланган. Бўзни турли ранглarga бўйаб, унга нақш босиб янги мато – чит ҳосил қилинган. Ундан аёллар кийим-кечаклари, чойшаблар, кўрпа-ёстиклар тайёрланган [6;66 б.]. Этнограф олима О.А.Сухареванинг маълумотларига кўра, Шаҳрисабзда читгарлар шаҳарнинг Раис гузарида яшаганлар. Китоблик читгар усталар ҳам алоҳида гузарда истиқомат қилишган [7;13 б.].

Сурхон воҳасида беқасам ҳам маҳаллий аҳоли севиб киядиган мато ҳисобланган. Беқасам матоси ингичка йўлли бўлиб, алачадан ўзининг сифати, тайёрланиш усули билан ажралиб турган. Унинг олий навлисининг 48 аршини 12 сўм 60 тийинни, ундан тайёрланган чопонлар эса 9 сўмгача баҳоланган [8;40 б.]. Воҳа аҳолиси беқасамлардан чопон, камзул, курта кўрпачалар тайёрлашган. Аҳоли пахтадан тўқилган қалами матосидан эркаклар учун кийим тайёрлаган, қалами дағалроқ мато кўринишида бўлган. Аёллар ва болалар кийими учун эса дағалроқ тўқилган сўсидан ҳам фойдаланишган. Бундан ташқари бахмал ва адрас матолари ҳам анча қадимий матолар бўлиб, асосан уй шароитида тўқилган. Бахмалдан аёллар ва болалар кийими, дўппи, кўрпа ва ёстиқ тикилган. Бахмал тўқувчилар кунига 2 аршин бахмал тўқиб, уни ўртача 2 сўми 70 тийиндан сотганлар. Бахмал зардўзларнинг энг сеvimли матоси бўлиб, ундан турли буюмлар тайёрлашда фойдаланилган [9;д.ё.].

Воҳа аҳолиси қадимдан ипак курти боқиш ва пилладан ипак олишни анча яхши билишган. Воҳанинг Бойсун, Сариосиё ва Шеробод ҳудудларида ипакчилик анча мураккаб жараён саналган. Ипакдан саллалар четига жияк, чироз, соч попуклари ва жамалаклар тайёрлашда фойдаланишган. Шунингдек, воҳанинг юз, қатагон ва тоғчи турк уруғларига мансуб аёллари ярим шойи матодан тўқилган кийимлар ҳам кийишган. Банорас, шойи, атлас, адрас ва парпуша шойи эркак ва аёллар учун байрам либослари тайёрлашда ишлатилган матолар сирасига киради.

Ўзбекистон жануби шаҳарларида тайёрланган матолар ичида олача деб аталадиган мато анча машҳур бўлган. Олача юқори сифатли, ранг-баранг ингичка ипак ҳамда пахта толаларидан тўқилган бўлиб, ушбу матога ҳам маҳаллий аҳоли ва қўшни давлатлар бозорларида талаб юқори бўлган. Жумладан, олача пестредъи номи билан Россия бозорларида ҳам машҳур бўлиб, XVIII–XIX асрларда Россия бозорларига чиқарилган матолар ичида санаб ўтилади. Ушбу матодан турли-туман тайёр кийим-кечаклар тикишда фойдаланилган. Олача Шаҳрисабзда кўп миқдорда тайёрланган, лекин олача тайёрланадиган асосий марказ Қарши шаҳри эди. Н.Ханиковнинг ёзишича, олача тайёрлаш бу шаҳар аҳолисининг фаолиятида катта ўрин тутган [10;138 б.]. XIX асрнинг биринчи ярмида Қаршида 19 та шойи тўқиш устахонаси бўлган. Уларда узунлиги 9

аршин, эни 12 аршин ярим шойи ва пахта газламалари савдога чиқарилган. Беклик учун шойи матолар ҳам тайёрланган. Маҳаллий тўқувчилар ишлаб чиқарган ушбу матолар хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинган. Ҳар бир устага ўзи тўқиган ҳар бир аршин мато учун 55 тийиндан иш ҳақи тўланган [11;109 б.]. XIX аср охири – XX аср бошларига келиб эса бу матони тайёрлашда қаршилиқ усталар шунчалик маҳоратли бўлишганки, уларга тенг келадиган усталар бутун амирликда бўлмаган [12;256 б.].

XX аср бошларида амирлик ҳунармандчилигида мануфактурага яқинлашиш ҳоллари кузатилган. Бу даврда мустақил ишлашга имкони бўлмаган ҳунарманд ҳунармандчилик уюшмаларига (қасабаларга) бирлашиб ишлаб чиқаришда фаол иштирок этган. Масалан, амирликнинг муҳим ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири ҳисобланган Қарши шаҳрида 25 га яқин йирик тўқувчи тадбиркорлик уюшмалари фаолият олиб борган.

Олача тўқишда айниқса қаршилиқ уста мулла Охуннинг номи машҳур бўлган. Улардан энг нуфузлиси Мулло Охун бўлиб, уни “Охун алача” деб ҳам аташган. Унинг уйида 40 га яқин тўқув дастгоҳи бўлиб, ипак матолар ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Иккинчи йирик уюшма Турсунжон чўлоқ тўқимачилик уюшмаси бўлиб, унда мингдан ортиқ тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб турган. Қаршида ишлаб чиқарилган шойи, нимшойи, алача, бўз каби матоларга Сибирда талаб жуда катта бўлган. Бунга сабаб, биринчидан, бу газламалар арзон бўлиб, иккинчидан, жуда мустаҳкам тўқилган. Бир ҳинд сайёҳи: “Алача деб номланган ярим шойи матосини тўқишда қаршилиқларга тенг келадигани йўқ” деб таъкидлаган. Қаршида ишлаб чиқарилган газламалар Бойсун, Ҳисор, Ғузор, Сарийосиёга жўнатилган. Махсус салла ва алача ишлаб чиқарувчилар асосан шаҳар ташқарисидаги Қаршининг Зоғза гузариди, адрас тўқувчилар эса Маҳсумовот гузариди истиқомат қилганлар [13;124 б.]. Шу билан бир қаторда О.А.Сухареванинг ёзишича, Қаршида 20 та ҳунармандчилик гузарлари бўлган. Жумладан, Мир Души, Мирзолат оғалиқ, Чубин, Хонақо, Харрот, Шаршара, Хитой, Эронгузар, Қозихона, Ҳарамсарой, Бой гузар, Мирзо Латиф, Ҳолвагар, Кулоллик, Чилангар ва бошқа гузарлар бўлган [14;39 б.].

Рус савдогарлари Ўрта Осиёдаги ҳунармандчиликнинг кенг тараққий этишидан манфаатдор

бўлган. Маҳаллий газламаларга бўлган катта талаб Бухоро амирлигидаги шаҳарларнинг ривожланиши ва тўқимачиликнинг такомиллашиб боришига катта таъсир кўрсатган. Йирик рус тадбиркорларидан бири Филипп Ефремов ўзининг хотира дафтарларида ҳунармандчиликнинг тўқимачилик соҳасига таъриф бериб қуйидагиларни қайд қилган: «Бу ерда ипак курти боқилади. Ундан кўпинча ипак олинади. Ипакдан зарли ва кумушли йўл-йўл парчалар, атлас, беқасам тўқилади.... Булар нафақат Осиё давлатларида, балки Европа давлатлари бозорларида ҳам ўз макеига эга саноат маҳсулотларидир» [15;115 б.].

XIX аср охири – XX аср бошларида Бойсун, Денов ва Шеробод шаҳарларида ҳам тўқимачилик яхши тараққий этган. Тўқимачилик ҳунари асосан уй шароитида сидирға ва гулдор ип тайёрлашдан иборат бўлиб, ундан ипак ва ярим ипак газламалар тўқилган. Ўзбекистон жануби шаҳарларида айниқса, қалами, олача, сўси, чит, жанда, шойи, атлас, бўз, беқасам каби матолар тўқилган. Бундан ташқари жундан шол, босма, қоқма каби матолар тўқилган ва бу матолардан асосан устки кийимлар тайёрланган. Тўқимачилик таркибида ип йигириш, мато тўқиш ва бўяш каби бир неча тармоқлар бўлган. Ип йигирувчиларнинг асосий хомашёси пахта, жун ва ипак бўлган. Матоларни ишлаб чиқариш аҳолининг анъанавий ҳўжалиги машғулоти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Масалан, ҳудуднинг Шеробод тумани аҳолиси қадимдан пахта етиштириш ва ундан мато тайёрлаш билан шуғулланиб келган. Пахтадан уй шароитида мато тўқиш учун пахта чигити халажи ёрдамида ажратиб олинган. Йигирилган иплардан “дўкон” деб номланувчи тўқув мосламасида турли матолар тайёрланган. Тўқимачилик дастгоҳида тўқиладиган матоларнинг узун тортилган иплари “танда” ёки “ўрим” деб, кўндаланг тортилган ипи эса “арқоқ” деб аталган. Мокига танда ўтказилиб, ҳар сафар дўкон дастаси билан жипсланган. Матолар қаричлаб ўлчанган. Матоларнинг эни қисқа, яъни 35-40 см бўлган. Дўконда икки марта олинган мато бир кийимлик бўлган [16;д.ё.].

Сурхон воҳасининг Бойсун тумани олача, жанда, шойи тўқишнинг марказларидан бири саналган. Олача йўл-йўл мато бўлиб, йўллари қизил, қирмизи, зангори ва тўқ яшил ранглар билан туширилган. Жанда матоси Бойсуннинг Сарийосиё қишлоғида тўқилган. Ҳудудда ном чиқарган машҳур усталар бўлишган. Масалан, жанда тўқишда Мусулмон Қаҳҳоров анча ном чиқарган. Жанда тўқиш учун

ишлатиладиган оқ пахта Жарқўрғондан, бўёқ эса Деновдан келтирилган, жанда матосининг эни 50 см бўлиб, жандадан битта тўнни тайёрлаш учун 7-8 метр мато кетган [17; д.ё.].

Биргина Ҳисор, Денов, Миршоди, Қоратоғ ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда ипакнинг сифатли нави етиштирилиб, уни тўқиш ва тайёрлашда нафақат Бухоро амирлигида, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлган [18; №174]. Унинг нархи ҳам жуда юқори бўлиб, уни барча бирдай сотиб ололмаган.

Ўзбекистон жанубида яшовчи ярим ўтроқ аҳоли эса матоларни асосан жундан тўқиган. Жун аввало ювиб, махсус жун тароқларда титилган. Сўнг-ра махсус савачўп ёрдамида савалган ва йигирилиб ип ҳолатига келтирилган. Жун иплар асосан тузли сувда қайнатиб олинган. Шунинг учун ҳам жун иплар пишиқ ва чидамли бўлган.

Ўзбекистон жанубининг дашт, тоғли ва тоғ олди минтақаларида яшовчи чорвадор аҳоли нафақат жундан кийим-кечак, қолаверса кундалик хўжалик ашёлари – гилам, кигиз, хуржун, халталар ҳам тайёрлашган. Қўй жуни, туя жуни ва эчки жуни (тивит) мато тайёрлашда асосий хомашё бўлган. Эчки жунидан тивит салла, пайтава ва рўмол тайёрланган. Туя жунидан кўпроқ чакмон тикилган. Қўнғирот ва дўрмон қабилаларининг зодагонлари асосан оқ чакмондан устки кийим кийишган. Бундан ташқари туя жунидан жойнамоз, дастурхон, ҳатто кўрпа ҳам тайёрланган. Қўй жунидан тайёрланган ип ерга ётқизиб тўқиладиган ўрмакларда “шол” мато тайёрланган.

Бойсун, Денов ва Шаҳрисабзда ипакчилик қадим даврлардан тараққий этиб, каштачилик оммавий санъат турларидан бири ҳисобланган. Каштачилик, асосан, хотин-қизларга хос ҳунармандчилик тури бўлиб, Бойсун, Денов ва Шаҳрисабзда ривож топган каштачиликнинг бир қанча турлари ва услублари мавжуд. Жумладан, ироқи ва кандахаёл чокда тикилган катта-кичик сўзаналар ҳозиргача ўз қимматини йўқотгани йўқ. Бойсун, Денов ва Шаҳрисабз шаҳарлари каштачилик санъатида сўзаналар алоҳида ажралиб турган, сўзаналар XIX асрнинг 80-йилларигача хонаки «оқ карбос» [19; изоҳ] га ёки сариқ рангли матога тикилган. Бу хил сўзаналарни тикишда, асосан, республикамизнинг барча вилоятларида қўлланиладиган энг қадимги “йўрма” чокидан фойдаланилган. Халқ орасида кенг тарқалган каштачилик Бойсун, Денов ва

Шаҳрисабз шаҳарларида, асосан, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига келиб янада ривожланганлигини кузатамиз. Каштачилик, яъни «кашта» сўзи форсчадан олинган бўлиб, коштан – экилган, уруғ қадалган, уруғ сепилган, ишлов берилган, игна билан тикиб туширилган гул, расм, чизик деган [20; 338 б.] маъноларни англатади.

Умуман кашталар, асосан, уй безаклари учун тикилган, йирик кашталар эса қизлар ҳаётининг энг қувончли ва бахтли давлари билан боғлиқ бўлган. Бўлажак келин, бўлажак уй бекаси, асосан, боражак оиласига атаб турли хил нақшдаги катта-кичик каштачилик буюмларини турли безаклар бериб тикиб, уларни яхши ният билан ўз сепига қўшиб қўйган. Деярли ҳар бир оила ўз эҳтиёжи учун каштачилик билан шуғулланган, шунинг учун бу ҳудудларнинг ҳар бир оиласида вояга етатган қиз болага, албатта, каштачилик сирлари ўргатишган.

Ўз даврининг энг истеъдодли чизмакаш аёллари кашта матосига қамишдан ясалган қаламлар билан турли хил нақш ва гулларни солганлар. Бу нақшлар чизмаси билан бир-биридан фарқ қилган ва асрлар оша сайқалланиб барчани ўзига ром этиб келган. Кейинчалик Ўрта Осиё ва Россия савдо муносабатларининг жадаллашиб бориши натижасида ушбу ҳудудларга Россиядан турли хил шойиларнинг кириб келиши каштачиликда газламаларнинг кенг қўлланилишига туртки бўлди. Ипак иплардан ташқари Ўрта Осиёга Ҳиндистондан келтирилган турли хил жун иплар ҳам кашта рангига, гўзаллигига янада кўрк бағишлаган. Рус элшунос олимаси О.А.Сухареванинг маълумот беришича, XIX асрнинг ўрталарида каштачиликда қизил жун пайдо бўлган ва кейинчалик, яъни шу асрнинг 80-йилларига келиб йўқ бўлиб кетган [21; 13-37 б.].

Каштачилик ҳам бошқа ҳунармандчилик касблари каби аجدодлардан авлодларга мерос ўтиши табиий ҳодиса ҳисобланади.

XIX аср бошларидан Денов, Бойсун ва Шаҳрисабз шаҳарларининг каштачилик мактаблари асрлар давомида анъанага айланиб, ўзбек халқининг амалий санъатида ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда.

XIX аср охирларига келиб амирлик бўйлаб пахта майдонларининг кенгайтирилиши ва ривожланиши билан қишлоқ хўжалигида меҳнат қуролига бўлган талаб ортиб борди. Шу сабабли Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Сарийосиё, Бойсун, Денов ва бошқа шаҳарларда кўплаб темирчилик ва чўян қўйиш устахоналари барпо этилиб, аҳолининг қишлоқ

хўжалик қуролига бўлган эҳтиёжи мунтазам таъминлаб борилди [22;80 б.].

Ўзбекистон жанубида ҳунармандчилик турлари жойларда турлича тараққий этганлигига олиб борилган, дала тадқиқотлари давомида ҳам амин бўлди. Масалан, жундан тўқилган турли безакли ва мураккаб нақшли кийизларни Лақай, Қўнғирот, Дўрмон ва бошқа уруғлар тўқиган бўлса, Турк, Қарлуқ ва бошқа уруғларнинг тўқиган гиламлари мураккаб бўлмаган йўл-йўл чизиклар билан безатилган [23;д.ё.]. Аста-секин ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича асосий марказларга айлана борган Бойсун, Термиз, Шеробод, Сариосиё, Денов, Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз шаҳарларида пахта ва ипак хомашёсидан олача матолари кўплаб тайёрланган. Пахтадан тўқилган бу матонинг сифати анча пишиқ бўлган. Шу сабабли Самарқанд, Тошкент, Бухоро хонлиги, Афғонистон ва Ҳиндистон каби давлатларга ҳам олиб кетилган [24;67].

Ўзбекистон жанубида ҳунармандчилик турлари орасида гилам тўқиш алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Гиламни асосан аёллар тўқишган. Гиламдўзликда Қарши, Ғузор, Термиз, Шеробод шаҳарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. К.Ҳакимова ва Л.Кравецларнинг маълумотларига кўра, бу ерда тўқилган гиламлар Ўрта Осиёдан ташқари Россия ва бутун Ғарбий Европада ҳам машҳур бўлиб, юқори нархларда сотилган. Бир қанча гилам турлари Париж шаҳридаги кўرғазмаларга қўйилиб, юқори баҳоларга сазовор бўлган [25;68 б.]. Сифатли гиламлар асосан, Шеробод беклигида кўплаб тўқилган. Алоҳида яхши тўқилган гиламларни савдогарлар Қарши, Карки ва Шаҳрисабз бозорларида Амударё орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга ҳам олиб бориб сотишган [26;377 б.], Шеробод беклигида гилам тўқишда ўзбеклардан ташқари туркман ва афғонлар ҳам машҳур бўлишган. Туркманлар гиламдан ташқари кошма ҳам тўқишган, куз вақтида бозор кунлари 500 тагача кошма сотилган [27;25 б.]. Қарши, Шаҳрисабз, Сариосиё, Юрчи ва Деновда ҳунармандчиликнинг пахта ва жундан тўқилган матолардан ташқари ёғочсозлик, бўйрачилик, этикдўзлик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, тегирмонсозлик, бўёқчилик, жувозчилик, пичоқчилик ва бошқа турлари яхши ривожланган эди. Сариосиёда ҳунармандчиликнинг кўпроқ темирчилик соҳаси яхши ривожланган. Чўян қуювчи устахоналар кўп бўлиб, бу ердаги усталар атрофдаги аҳолига қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қурол-

лари ва омовлар учун тишлар (сошник) тайёрлаб аҳолини таъминлаб турган [28;31 б.].

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон жанубининг баъзи тоғли қишлоқларида ҳам ҳунармандчилик яхши ривожланган. Бу ҳудудлардаги аҳоли темирчилик, тўқувчилик, этикдўзлик ва ёғочсозлик билан шуғулланганлар. Масалан, тоғли Сангардак қишлоғида бир нечта ҳунармандчилик устахоналари бўлиб, ёғочдан ишланган идишлар, темирчилик, тўқувчилик ва бошқа маҳсулотларни Юрчи, Денов, Сариосиё ва бошқа марказлардаги йирик бозорларга олиб бериб сотишган ёки ўзларига керак бўлган маҳсулотларга алмашишган [29;260,290 б.].

Ўзбекистон жанубида яшовчи ҳунармандлар қўшни ҳудудларда яшовчи ҳунарманд усталар билан яхши алоқалар ўрнатишган. Улар бир-бирларидан ҳунармандчилик сирларини ўрганишган. Сангардак, Сина, Вахшивор, Юқори Зоғза, Лағмон ва бошқа қишлоқларда яшовчи темирчи усталар Шарқий Бухоронинг темирчилик марказларидан ҳисобланган Қоратоғ, Регар ва бошқа шаҳарларга бориб, уч-турт ойга тажриба алмашиб қайтишган.

Газарак қишлоғида яшовчи аҳоли тўқиган маҳсулотларини яқин атрофдаги Дашнобод, Юрчи ва бошқа бозорларга олиб бориб сотишган. Ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган марказлардан бири ҳисобланган тоғли Хауз ва Вахшивор қишлоқлари аҳолиси тўқилган маҳсулотларини Қорлуқ ёки Денов бозорларида сотишган ва у ерда тўқиладиган пахта хом ашёсини сотиб олишган. Сангардак, Чанглоқ қишлоғи аҳолиси кузда пахтани сотиб олиб, қишда эса аёллар пахтадан ип йиғиришган. Тайёрланган калавининг кўп қисми шаҳарлардаги тўқувчиларга сотилган. Бир қисмидан эса ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишган. Ип йиғириш қишда аёлларнинг асосий машғулотларидан бири ҳисобланган [30;122 б.].

Бойсун беклигида ҳам аҳолининг асосий машғулотларидан бири ҳунармандчилик яхши ривожланган. Бу ерда олача бофлик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, этикдўзлик, чармгарлик, ширавопазлик, тегирмонсозлик, атторлик, бўёқчилик, аравасозлик, каштачилик ва жувозчилик каби майда ҳунармандчилик турлари яхши ривожланган [31;д.ё.].

Бойсун беклигида темирчиликнинг алоҳида ўрни бўлган. Маълумотларга кўра, 23 дан ортиқ темирчилик устахоналари бўлган. Авлод, Дарбанд қишлоқлари аҳолиси ҳунармандчиликда машҳур

бўлишган. Улар кўпинча металл эритиб бекликка топшириб турганлар ва уни «қанди пиширди» деб атаганлар. Металл эритилган ўчоқ излари Кўхитанг ён бағирларида, Бойсун тоғ этакларида ҳозиргача сақланиб қолганлиги аниқланган [32;38 б.]. Авлод қишлоғининг афғон уруғига мансуб аҳолиси азалдан темирчилик билан шуғулланганлар. Тоғчилар (уруғ) эса чўян эритиш билан машҳур бўлганлар. Улар офтоба, чироқ, қозон, оҳанг (омоч тиши), бел, ўроқ наға (тақа), жувозлар учун парма, теша ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотларини ясашган. Бу ҳунармандчилик маҳсулотларини атрофдагилардан ташқари Қоратоғ, Регар ва Дашнободга олиб бориб сотганлар.

Темирчилар, алоҳида ихтисосликларга бўлинган оҳангарлар, пўлат билан ишловчилар, чилангарлар уй-рўзгор буюмлари билан шуғулланганлар. Темирчилар темирдан ишланган нарсалар билан шуғулланишган. Улар дегрезлар, чўянчилар, мисгар, заргарларга бўлинганлар [33; д.ё.].

Ўзбекистон жануби ҳунармандчилигида заргарлик ҳам алоҳида ўринга эга эди. XIX аср давомида ҳудуддаги шаҳарлар ва баъзи йирик қишлоқларда заргарлик устахоналари фаол ишлай бошлаган. Уста заргарлар шаҳар ва қишлоқлар аҳолисига уларнинг буюртмалари асосида турли-туман тақинчоқлар ва безакларни (узук, билагузук, сирға, болдоқ латива, кўкрак ва бўйинга тақиланган маржонлар) тайёрлаб берганлар. Аксарият заргарлар буюртмаларни кутиб ўтирмасдан ўзлари тайёрлаган заргарлик буюмларини дўконларида ёки қишлоқма-қишлоқ юриб сотганлар. Шу тариқа бу даврда аҳоли ўртасида безак ва тақинчоқлар янада оммавийлашиб борди. Бунга асосий сабаблардан бири Шарқий Бухоронинг Россия томонидан истило қилиниши билан бошқа ҳудудлардан келган заргар-қосибларнинг кўпайиши ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Тақинчоқ ва безаклар хотин-қизларнинг ёшига, кийим рангига, мато йўлига ва тикилиш услубига қараб танланган ва тақилган. Улар тақилиш ўрнига қараб турли хил гуруҳларга бўлинган. Шунга қараб бошга, сочга, қулоққа, бурунга, кўкракка, бўйинга, қўлга тақиланганларга ажратилган [34;60 б.].

Шеробод беклигида Ўзбекистон жанубининг бошқа ҳеч бир жойида учрамайдиган ҳунармандчилик турларидан бири бўлган қайиқсозликни ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Қайиқсозлик билан кўпчилик ҳунармандлар шуғулланмаган бўлса-да, ҳунармандчиликнинг бу тури билан алоҳида баъзи бир усталар

банд бўлганлар. Термиз шаҳри атрофида, Амударё соҳилларида яшовчи туркманлар асосан ўз даврида жуда ноёб бўлган қайиқсозлик (қайиқ ясаш ва қайиқ таъмирлаш) ҳунари билан шуғулланганлар.

XIX–XX аср бошларида бутун Бухоро амيرлигида Карки, Келиф ва Термиз ҳудудида усталар қайиқсозлик билан ҳам шуғулланганлар. Чунки бу бекликларда Амударё сув йўлидан савдо-сотиқ ишларини олиб боришда аҳоли катта фойда кўрган. Маълумотларга кўра, агар фавқулодда қайиқлар қуриш керак бўлиб қолса, Келиф беклигида, Келиф атрофида қайиқ қура оладиган 16 тадан ошиқ усталар топиш мумкин бўлган. Қайиқлар учун ёғочни Шерободдан олиб келишган. Усталар икки ой давомида 600 пудгача юк кўтара оладиган 10 тагача қайиқ ясай олишган ва бу қайиқларнинг ҳар бири 300 рублдан 352 рублгача баҳоланган [35; 24 б.], Шеробод беклигида қайиқ қурувчи усталар 10 дан ортиқ бўлган. 600 пуд юк кўтара оладиган қайиқни 40 кунда ясай олганлар. Уларнинг ҳар бири 200 рублдан 235 рублгача сотилган [36;27 б.]. Келифда ясалган қайиқларнинг нархига нисбатан Шерободда ясалган қайиқларнинг нархи арзонлигига сабаб, қайиқ ясаладиган ёғочлар Шеробод беклигининг ўзидан олинган. Шеробод беклигидаги Чўчагузар кечувидаги усталар назарда тутилган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда бошқа жойлар (Термиз ва унинг атрофи)даги қайиқ ясовчи усталарни қўшиб ҳисоблаганда, уларнинг сони анчани ташкил этганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Кулолчилик Ўрта Осиё халқлари ҳаётида азалдан муҳим ўрин тутиб келган. Ўзбекистон жануби ҳунармандчилигида кулолчиликнинг ҳам ўрни катта эди. Кундалик турмуш тарзининг деярли барча соҳалари учун маҳсулот етказиб берган. Ҳар бир минтақа кулоллари ўз маҳсулотлари сифати, безалиши каби бетақдор анъаналарини яратганлар.

Ўзбекистон жанубида кулолчилик маданиятининг тараққиёти Бухоро, Тошкент, Ўтрор каби минтақаларнинг таъсири натижасида янада ўзлигини намоён қилган. Айниқса, Бухоронинг Ғиждувон, Фарғона водийсининг Риштон каби сопол ҳунармандчилик мактабларининг таъсири анча кучли эканлиги тайёрланган сопол буюмларда сезилади. Ўзбекистон жанубида кулолчилик тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошларига келиб олдинги даврига қараганда пасайиб кетганлигини эътироф этиш керак. Бунга асосий сабаб, Россия маҳсулотларининг

кириб келиши ва сопол идишларнинг хўжаликда кўп ишлатилмаганлиги билан изоҳланади. Лекин, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши, Термиз, Шеробод ва Денов кулолчилик марказлари тор доирада бўлсада яшаб қолган эди [37;11 б.].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон жанубида ҳунармандчилик турлари бекликларнинг жойлашув ўрнига қараб, қисман бир-биридан фарқланган. Қарши беклигида гиламдўзлик, кулолчилик, каштачилик, зардўзлик, турли хил матолар тўқиш, қурол-яроғ ясаш, темирчилик, Шаҳрисабзда кичик замбараклар, шишалардан турли тақинчоқлар ясаш, заргарлик, чармгарлик, Шеробод беклигида кўпроқ гиламдўзлик, кулолчилик, қайиқсозлик, Бойсунда темирчилик ва унга ишлов бериш, қишлоқ хўжалигида ишлатилувчи қуролларни ясаш, қандолатчилик, Денов ва Юрчида ёғочсозлик (ўймакорлик ва бошқалар), кийим-кечак, зеб-зийнат турларини тайёрлаш билан фарқланган.

XIX аср бошларида Ўзбекистон жанубида ҳунармандчилик буюмлари аҳоли эҳтиёжини қисман қондирган бўлса-да, лекин ҳунарманд усталарнинг турмуш даражаси анча паст эди. Амирликда жорий этилган солиқлардан ташқари, маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳунармандларни қўшимча ҳар хил тўлов ва мажбуриятларни ҳам тўлашга мажбур қилишган. Шунингдек, мамлакатда уларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатилмаган. Ҳокимиятнинг юқори қатлам вакиллари эҳтиборсизликлари оқибатида ҳунармандларнинг меҳнати қадрсизланиб боради. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига келиб эса маҳаллий ҳунармандлар томонидан ясалган буюмлар бозорларда касодга учрай бошлади. Чор ҳукумати Бухоро амириликни ўзига тобе қилиб олгандан сўнг, Ўзбекистон жанубига Россия ва бошқа чет давлатлардан цех ва фабрикаларда ишланган замонавий саноат маҳсулотларининг кириб келиши ҳамда уларнинг маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларидан сифатли ва пишиқлиги анъанавий ҳунармандчиликнинг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Hakimova K.Z., Kraves J.N. Sotsialno-ekonomicheskie otnosheniya i klassovaya borba v dorevolutsionnom Uzbekistan. – T.: Fan, 1980. – 62 s.
2. Qadimgi Kesh-Shahrisabz tarixidan lavhalar . T.: Sharq. 1998.- B.97.
3. O'zR MDA, I-15-jamg'arma, 1-ro'yxat, 9-ish, 40-varaq.
4. Maxmud ibn Vali. More tayn otnositel'no doblestey blagorodnix. Perevod B.Axmedov.- T., 1977.- S.176 .
5. Suxareva O.A. K istorii gorodov Buxarskogo xanstva (Istoriko-etnograficheskiy ocherk).-T.: 1958.- S.136.
6. Mukminova R.G. Ocherki po istorii remesla v Samarkande i Buxare v XVI v.-Tashkent: Fan, 1976.-S.66.
7. Ostanov O. Quyi Zarafshon vohasida to'qimachilik // Moziydan sado, 2008, №1. 13-bet.
8. O'zR MDA, I-15-jamg'arma, 1-ro'yxat, 9-ish, 40-varaq.
9. Dala yozuvlari, 2018-yil. Boysun, Sariosiyo, Sherobod tumanlari.
10. Suxareva O.A. K istorii gorodov Buxarskogo xanstva (Istoriko-etnograficheskiy ocherk). -T.: 1958. – S.138.
11. Xanikov N. Opisanie Buxarskogo xanstva. Tipografiya Imperatorskoy Akademii Nauk, Sankt-Peterburg. 1843.-S. 109.
12. Razvodovskiy V. Opit issledovaniya goncharnogo i nekotoryx drugix kustarnix promislov v Turkestanskom krae//Turkestanskoe selskoe xozyaystvo. 1916. № 3,4,5,6,7,8.-S.256.
13. Suxareva O.A. K istorii gorodov Buxarskogo xanstva (Istoriko-etnograficheskiy ocherk). -T.: 1958,- S. 124.
14. Ismoilova J. Hunarmandlar shahri//Moziydan sado. 2006, №1,39-bet.
15. Suxareva O.A. K istorii gorodov Buxarskogo xanstva (Istoriko-etnograficheskiy ocherk).-T.: 1958,- S. 115.
16. Sherobod tumani, Seplon, Xitoy qishloqlari. Dala yozuvlari, 2017 yil.
17. Boysun tumani, Sariosiyo qishlog'i. Dala yozuvlari, 2017 yil.
18. Turkestanskije vedomosti. -3910. -№174.
19. Karbos-oddiy (bo'yalmagan) ip gazlama.
20. O'zbek tilining izohli lug'ati. II jild.T.,2006.-B.338.
21. Suxareva O. A. Xudojestvennie tkani // Narodnoe dekorativnoe iskusstvo Sovetskogo Uzbekistana.-T.: Tekstil, 1954.-S.13-37.
22. O'zR MDA, 3- jamg'arma, I –ro'yxat, 220-ish, 80-varaq.

23. Boysun, Sherobod, Denov, Uzun tumanlari. Dala yozuvlari , 2017 yil.
24. Yusupov SH. Ocherki istorii Kulyabskogo bektstva v konsa XIX-nach. XX veka. -Dushanbe: Tip. Inst. Ist. AN Tadj. SSR, 1964.-67 s,
25. Xakimova K.Z., Kraves L.N. Sotsial`no-ekonomicheskie otnosheniya i klassovaya borba v dorevolutsionnom Uzbekistane. – T.: Fan, 1980. -68 s.
26. Polk. Galkin Voенно-statisticheskij ocherk Sredney i Yujnoy chasti Surxanskoy dolini // Sb. geog. Topog. i statis. Mat. Po Azii. Vsh.57. –SPb., 1894. -377 s.
27. Kan. Gintillo. Intendantskaya svedeniya o Buxari // Sb. geog. Topog. I statis. Mat. Po Azii. Vip. XXI. –SPb., 1886.-25 s.
28. Suxareva O. A. Pozdnee feodalniy gorod Buxara. –T.: Izd-vo AN Uz SSR. 1962. -31 s.
29. Opisanie vidov izdeliy i texnologii proizvodstva derevoobdelochnogo promisla gornix tadjikov // Tadjiki Karategina i Darvaza. Vip. I. –Dushanbe., 1966. -260-290 s.
30. Karmisheva B.X. O torgovle v vostochnix bektstav Buxarskogo xanstva v nachale XX v. V svyazi s xozyaystvennoy spetsializatsiey // Tovarno-denejnie otnosheniya na blijnem i Srednem Vostoke v epoxu srednevekovya. – M.: Nauka, 1979.-122 s.
31. Bog`ibolo, Avlod, Sariosiyo, Charmgarlar mahallasi, Boysun tumani. Dala yozuvlari , 2016–2017 yillar.
32. Qayumov A. Sherobod vohasi aholisining etnik tarkibi. XIX–XX asr boshlari // O`zbekistonda ijtimoiy fanlar. -1998. -№3. –B. 38.
33. Sherobod, Cho`yanchi , Qishloqbozor qishloqlari. Boysun, Gaza qishloqlari. Dala yozuvlari. 2016–2017 yillar.
34. Tursunov S.N., Tursunova N.N. XIX asrning oxiri – XX asr boshlarida Janubiy Surxon vohasi aholisining milliy liboslari // O`zbekistonda ijtimoiy fanlar. - 2003. - №4 -B. 60.
35. Kap. Gintillo. Intendantskie svedeniya o Buxare 1885 g // Sb. geog. topog. i statis. Mat. po Azii. yuga. XXI.-SPb., 1886. -24 s.
36. Yuqoridagi asar.-27s.
37. Xolikov Z. Termiz i Chaganiyan v pozdnem srednovekove. Avtoref. Diss. kand.ist.nauk. - Samarkand, 2001.-11s.